TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 2 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

УДК: 340.6:343.98.616-091

# ТИРИК ШАХСЛАР БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ҚАЙТА ВА КОМИССИОН СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗАЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ.





**Мусаев Умрбек Максудович.**
**Email:** umrbek_musaev@mail.ru
**ORCID-0009-0002-3826-8304**

**Исмаилов Равшанбек Олимович.**
**Email:** ismoilovravsanbek021@gmail.com
**ORCID-0009-0009-6999-6102**

**Каримов Расулбек Хасанович.**
**Email:** r.karimov.86@mail.ru
**ORCID-0009-0009-0325-2709**

**Тошкент давлат тиббиёт университети.**
**Урганч давлат тиббиёт институти.**

**Аннотация:** Қайта суд-тиббий экспертиза ўтказиш факат суд-тергов органлари учун катта аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан, балки суд-тиббий экспертизаси учун ҳам иш сифатини яхшилашда муҳим аҳамиятга эгадир. Қайта экспертиза тайинлаш суриштирув тергов ҳаракатида бирламчи суд-тиббий эксперт хулосасидан (текширувидан) гумон туғилгандагина тайинланади. Лекин гумон ҳар доим ҳам асосланган булавермайди, кейинги вақтларда тергов ва суриштирув органлари томонидан қайта экспертиза тайинлаш бир томонлама, яъни жабрланувчи ёки гумондор шахс бирламчи хулосадан норози булганида тайинлаш одатий тусига кириб бормокда.

**Калит сўзлари:** суд-тиббий экспертиза, кайта экспертиза, жабрланувчи, гумонланувчи, жиноий жавобгарлик, маъмурий жавобгарлик, жиноят кодекс.

# АНАЛИЗ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКИХ ЭКСПЕРТИЗ, ПРОВЕДЕННЫХ В ОТНОШЕНИИ ЖИВЫХ ЛЮДЕЙ.

**Мусаев Умрбек Максудович.**
**Email:** umrbek_musaev@mail.ru
**ORCID-0009-0002-3826-8304**

**Исмаилов Равшанбек Олимович.**
**Email:** ismoilovravsanbek021@gmail.com
ORCID-0009-0009-6999-6102

**Каримов Расулбек Хасанович.**

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 2 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

**Email:** r.karimov.86@mail.ru
**ORCID-0009-0009-0325-2709**

**Ташкентский государственный медицинский университет.**
**Урганчский государственный медицинский институт.**

**Аннотация:** Проведение повторной судебно-медицинской экспертизы имеет большое значение не только для судебных и следственных органов, но и для самой судебно-медицинской экспертизы в целях повышения качества работы. Повторная экспертиза назначается только в случае возникновения подозрений на основании заключения (заключения) основного судебно-медицинского эксперта в ходе расследования. Однако подозрения не всегда оправданы, и в последнее время стало распространенной практикой, когда следственные органы в одностороннем порядке назначают повторное обследование, то есть когда потерпевший или подозреваемый не удовлетворен первоначальным заключением.

**Ключевые слова:** судебно-медицинская экспертиза, повторное обследование, потерпевший, подозреваемый, уголовная ответственность, административная ответственность, уголовный кодекс.

## ANALYSIS OF FORENSIC MEDICAL EXAMINATIONS PERFORMED ON LIVING INDIVIDUALS.

**Musaev Umrbek Maksudovich.**
**Email:** umrbek_musaev@mail.ru
**ORCID-0009-0002-3826-8304**

**Ismailov Ravshanbek Olimovich.**
**Email:** ismoilovravsanbek021@gmail.com
ORCID-0009-0009-6999-6102

**Karimov Rasulbek Khasanovich.**
**Email:** r.karimov.86@mail.ru
**ORCID-0009-0009-0325-2709**

**Tashkent State Medical University.**
**Urganch State Medical Institute.**

**Abstract:** Conducting a repeat forensic examination is of great importance not only for judicial and investigative bodies, but also for the forensic examination itself, in order to improve the quality of its work. A repeat examination is ordered only if suspicions arise based on the conclusion (result) of the primary forensic expert during the investigation. However, suspicions are not always justified, and it has recently become common practice for investigative bodies to unilaterally order a re-examination, that is, when the victim or suspect is dissatisfied with the initial conclusion.

**Keywords:** forensic medical examination, re-examination, victim, suspect, criminal liability, administrative liability, criminal code.

**Муаммонинг долзарблиги:** сўнги йилларда ахоли ўртасида тан жарохатлари, автошикастланишлар, зўраки ўлимлар, бахсли холатлар, жинсий жиноятлар кўп учрамокда. Шу сабабли, суд-тиббий экспертиза жараёнида иш сифатини яхшилаш нафақат суд-тиббий экспертлар, баълки суриштирув тергов органларининг роли мухим ахамиятга эга, нимага

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 2 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

деганда суриштирув тергов жараёнида гумон хар доим хам асосланвермайди.

Қайта ва комиссион экспертизалар жараёнида экспертнинг билим савияси етарли булмаганда, гумонланувчи ёки жабрланувчи фуқаролар томонидан кўплаб бирламчи хулосаларга норозиликлар келиб чиқиши ёки суд тергов органининг ўша бирламчи эксперт хулосасига таяниб жиноий ёки маъмури жавобгарликга тортиш одатий тусга кириб бормокда ва фуқоралардан кўплаб шикоятлар тушиб келмокда.

Шу сабабли, экспертлар ва тергов орган ходимларини ўз йўналиши бўйича малакасини муддати ошириш хар қандай нотўғри хулоса ва жинойи жавобгарликга тортилишнинг олди олинган бўлар эди.

**Ишнинг мақсади:** ишнинг мақсади сифатида Хоразм вилоят суд-тиббий экспертиза Бюросининг қайта ва комиссион экспертизалар бўлимининг 2022-2023 йиллардаги сўнги 6 ойлик маълумотларидан фойдаланилди, яъни кайта ва комиссион экспертиза бўлимининг хулосаси, тиббиёт бирлашмаларининг касаллик тарихлари.

**Текшириш методи ва материаллари:** текшириш жараёнида жабрланувчи шахслар юқори турувчи органнинг, яъни ички ишлар ёки прокуратуранинг қарори асосида кайта ва комиссион экспертизалар бўлимида ёки тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилган фуқароларда тиббиёт бирлашмасига ташриф буюриб, номаълум этиологияли ёки бахсли холатларда мурдалар кайта ва комиссион экспертиза бўлимида укомиссион тарзда текширилди.

**Текширув натижалари:** 2022-2023 йилларда ўтказилган кайта экспертизаларни таҳлил қилганда 86 та қайта суд-тиббий экспертиза ўтказилганлиги аникланди. Тирик шахслар экспертизаларида, тайинланган қайта суд-тиббий экспертизалар энг кўп ҳолатларда жабрланувчи ёки гумондорнинг бирламчи суд-тиббий экспертиза (текширув) хулосасидан норози эканлиги буйича, хар томонлама ўрганилмасдан, норозилик холати объектив тасдиқланмасдан тайинланган. Экспертизалар факатгина битта савол, яъни етказилган тан жарохатининг оғирлик даражасини аниқлаш бўйича тайинланган. Юкорида кўрсатилганлардан 74 тасидан 72% тан жароҳатининг оғирлик даражасини аниклаш бўйича, 8% жинсий холат бўйича, 2,7% ни жинсий жиноят, 8,1% транспорт ходисаси, 5,4% жарохат механизмини аниклаш бўйича ўтказилган. Қайта тайинланган экспертизалар барча тирик шахслар экспертизасининг (текширувининг) 0,3% ни ташкил килади. Тайинланган кайта экспертизаларнинг *рад* этилиш холати 16,2% га тенг. Тан жарохати етказилиш *ҳолати бўйича* энг юкори кўрсаткич каттик ўтмас буюмларга тегишли бўлиб, 5 *та ҳолатда* кузатилган. Бу холатларнинг 3 тасида жабрланувчилар невропатологлар кўригидан ўттан ва бош мия чайкалиши ташҳиси қўйилган, аммо ташхис ноаник белгиларга асосланган холда қўйилганлиги, объектив *белгилар* кўрсатилмаганлиги, ҳаттоки калла ва бўйинда бирон-бир жарохат *борлиги* тиббий баёнларда кўрсатилмаганлиги сабабли суд-тиббий экспертлар бош мия чайкалишини жарохатлар оғирлик даражасини белгилашда инобатга *олишмади*. Калла-миянинг ёпик жарохатлари бўйича ўтказилган кайта *экспертизаларнинг* барча кайта экспертизаларнинг 13,5% ни ташкил килади. Жароҳатнинг келиб чикиши буйича 2 та экспертиза ўтказилган бўлиб, унда жабрланувчиларнинг кўзларида касаллик бўлиб, бу касалликларни жароҳатлар билан боғлаш имконияти бўлмаган. Бирламчи хулоса рад этилган иккита ҳолатда шифокор-рентгенологларнинг хатога йўл кўйиб панжа ва билак суякларида синиқ бор деб ташҳис қўйиши экспертларнинг оғирлик даражасини бахолашда хатога йўл қўйишига сабаб бўлган. Қайта текширув жараёнида рентгенографияда синик аникланмади ва бирламчи хулоса рад этилди. Бошка бир ҳолатда ЛОР врачларнинг берган хулосасига асосланиб, суд-тиббий *эксперт тан* жароҳатининг оғирлик даражасини берган, қайта экспертиза текширувида бирламчи экспертиза хулосасидаги ЛОР врачлар ташҳиси уз тасдиғини топмади ва бирламчи хулоса рад этилди. Тахлиллар шуни кўрсатадики 70% холатларда тайинланган қайта экспертизалар бир томонлама *иккала* томоннинг биттасининг

норозилиги асос килиб олиб тайинланмокда, бу ҳуқуқ-тартибот органларининг қайта экспертизаларни тайинлаш учун асос бўладиган қонун-коидаларни яхши билмасликлари натижасидир.

**Хулоса:** 1. Суд-тиббий экспертизаларни тайинлашда хукук тартибот органлари қайта экспертизаларни тайинлаш қонун-қоидаларини яхши билмасдан бир томонлама ёндошмокдалар.

2. Экспертиза жараёнида қатнашаётган турли хил йўналишдагии врач мутхассисларнинг ҳолатни яхши ўрганмасдан туриб бераётган хулосалари экспертларнинг тан жарохатларининг огирлик даражасини белгилашда адашишларига ва кайта экспертизалар тайинланишига сабаб бўлмокда.

3. Қайта экспертизаларни тайинлаш қонун-қоидалари бўйича ҳукук-тартибот идоралари ходимлари билан биргаликда семинарлар, ўкув *машғулотлари* ўтказиш мақсадга мувофикдир.

4. Қайта экспертизалар жараёнида аникланган камчиликлар муҳокамаси врачлар ва экспертларнинг малакасини ошириш, экспертизалар *сифатини* яхшилашга хизмат килади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов Р. Х., Мусаев У. М., Рузметова Д. Т. Ятрогения на примерах из практики (По данным лет обзор) //International conference on multidisciplinary science. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 10-12.
2. Каримов Р. Х. и др. Ятрогения в неонатологии (по данным лет. Обзор) //International conference on multidisciplinary science. – 2023. – Т. 1. – №. 3. – С. 76-78.
3. Каримов Р. Х. и др. Врачебные ошибки в практике акушеров-гинекологов //past and future of medicine: international scientific and practical conference. – 2023. – Т. 2. – С. 114-117.
4. Юлдашев Б. С. и др. Хомила ва янги туғилган чақалоқлар мурдасининг суд тиббий экспертизаси (Текшируви) //Ўқув қўлланма: Т.:“O ‘ZKITOBSAVDONASHRIYOTI” NMIU. – 2023. – Т. 96.
5. Ражапов А. А. и др. Туғруқ травмаларида чақалоқларнинг ўлим сабаблари //international scientific innovation research conference. – 2024. – Т. 1. – №. 9. – С. 20-22.
6. Karimov R. X. &Musaev UM (2023). ANALYSIS OF RESEARCH AND COMMISSION FORENSIC EXPERTISES CONDUCTED ON LIVING PERSONS //American Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences (2993-2149). – Т. 1. – №. 5. – С. 61-63.